O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG`ONA VILOYATI
QUVA TUMANI
HOKIMINING
QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
КУВИНСКОГО РАЙОНА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2020 yil «__31__» ___01___ ___87___ - sonli

Транспорт воситаларини 2020 йил учун мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

“Йўл харакати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й 15-сон 197-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сон “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2017 й., 09/17/1010/0461-сон) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) га асосан тумандаги автомототранспорт воситаларини 2020 йилда техник кўрикдан ўтказиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сон “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қайд этилган қарор билан:

2018 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказишда жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолати тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар томонидан ҳам текширилиши мумкинлиги инобатга олинсин.

3. Тумандаги юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 2020 йил 1 мартдан — 30 июнга қадар , жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланган муддатларда ўтказилсин.

4. Автомототранспорт воситаларини йиллик мажбурий техник кўрикдан ўтказиш комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ, техник кўрикдан ўтказиш 1-босқич жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туманда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари, оғир ва хавфли юк ташувчи бир йилда икки марта техник кўрикдан ўтувчи автотранспорт воситаларини 2020 йилнинг 1 мартдан - 30 июнгача, иккинчи марта 2020 йилнинг 1 сентябрдан - 31 октябргача техник кўрикдан ўтказилсин. Техник кўрикдан ўтказиш 2-босқич жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Комиссия таркибига киритилган маъсул шахсларнинг ойлик маошлари ҳамда мукофотлари техник кўрикдан ўтказиш мавсум давомида тўлиқ сақланиб қолсин.

7. Комиссия зиммасига:

техник кўрикдан ўтказиш давомида белгиланган жадвалга риоя қилиш, автомобилларни техник кўрикка тайёргарлигини, зарур жихозларни етказиб берилишини, автомобилларни техник паспортларини, таъмирга киргизиш рўйхатларини, ишга чиқиш ва қайтишини қайд этиш китобларини юргизилганлигини, текшириш ва аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш юзасидан аниқ чора–тадбирлар кўриш вазифалари топширилсин.

8. Тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларига:

тасдиқланган жадвалда кўрсатилган муддатга қадар автомототранспорт воситаларини техник кўрикка тайёрлаш ва техник кўрик комиссиясига ўз вақтида тақдим этиш вазифаси топширилсин.

9. Тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлари учун тўловларнинг чекланган миқдорлари вилоят ҳокимликлиги томонидан белгиланган тарифларига қатъий амал қилинсин.

10. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 20 мартдаги 539-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ушбу қарор “Қува ҳаёти” рўзномасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг веб-сайтида жойлаштирилсин.

12. Белгилансинки, мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан кучга киритилсин.

13. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Х.Рустамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими: **Р.Курбанов.**

Туман хокимининг
2020 йил «31» январь кунги
87-сонли карорига
1 -илова

Автомототранспорт воситаларини йиллик мажбурий техник кўрикдан ўтказиш комиссияси

Т А Р К И Б И

1. Ж.Парпиев. - Қува тумани ИИБ ДЙҲХХ катта инспектори майор, комиссия раиси

К о м и с с и я а ъ з о л а р и

2. М.Хамидов. - Туман мудофаа бўлими ХМХРБ ёрдамчиси

3. С.Амиров. - Экология ва атроф мухитни мухофаза қилиш бошқармасининг Қува туман инспекцияси бошлиғи

4. Ж.Азизхонов. - Қува тумани техника ҳолати ва агротехника тадбирларни устидан назорат қилиш катта инспектори

5. Х.Масодиқов. - Туман “Ватанпарвар” ташкилоти бошлиғи

Туман хокимининг
2020 йил «31 январь кунги
87-сонли карорига
2-илова

Тумандаги фермер хўжаликлари, корхона, ташкилотларга қарашли автомототранспорт воситалари 2020 йил 1 мартдан 30 июнгача техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И.

Т/р	Ташкилот ва корхоналар номи	Техник кўрикдан ўтказиш санаси	Жами автомото-транспортлар сони	Изох
1	“Қуббо авто транс” МЧЖ	09.03.2020	25	
2	“Қува тир авто” МЧЖ	10.03.2020	11	
3	“Қува Мусаффо транс” МЧЖ	11.03.2020	25	
4	Жавохир омад тран МЧЖ	12.03.2020	25	
5	Қува КМК МЧЖ	13.03.2020	4	
6	Хусусий фирмалар	16.03.2020	210	
7	Тажриба маркази	17.03.2020	5	
8	Қишлоқхўжаликкимё	18.03.2020	11	
9	Ободонлаштириш бсшқармаси	19.03.2020	2	
10	Қ ва СХ бошқармаси	20.03.2020	1	
11	“Тоза худуд” ДУК	23.03.2020	10	
12	ССБ автокорхонаси	24.03.2020	22	
13	Пахтани қайта ишлаш ОАЖ	25.03.2020	9	
14	Туман хокимлиги	26.03.2020	6	
15	Ватанпарвар ташкилоти	27.03.2020	9	
16	Қ. Х. Коллежи	30.03.2020	13	
18	МТП АЖ	31.03.2020	14	
19	Унверсал инвест МЧЖ	01.04.2020	1	
20	Компютер коллежи	02.04.2020	2	
21	ЙХТПТФДК (ДРСУ)	03.04.2020	8	
22	Халқ таълими бўлими	06.04.2020	2	
23	Шредер хўжалиги	07.04.2020	6	
24	Кўзи ожизлар жамияти	08.04.2020	4	
25	Агрохимлаборатория	09.04.2020	10	
26	ЖФК магистрал бошқармаси	10.04.2020	8	
27	Қува дон махсулотлари Х/Ж	13.04.2020	4	
28	Агро Инвест МЧЖ	14.04.2020	1	
29	Ҳайвонлар касалликларига қарши кураш корхонаси	15.04.2020	5	
30	Почта алоқа бўлими	16.04.2020	1	

31	Маданият бўлими	17.04.2020	5	
32	Нефт махсулотлари омбори	20.04.2020	13	
33	Қува газ идораси	21.04.2020	8	
34	Қува Текстил фабрикаси	22.04.2020	18	
35	Ўрта ва кичик бизнес субъектлари	23.04.2020	4	
36	Фермер хўжаликлари	24.04.2020	4	
37	Қува хаёти рўзномаси	27.04.2020	1	
38	Инкассация бўлими	28.04.2020	1	

Эслатма: Хафтанинг хар шанба кунлари шахсий транспорт эгаларини транспорт воситаларини йиллик мажбурий техник кўрикдан ўтказиш учун ИИБ ДЙҲХХ бўлинмасида қабул қилинади.

Туман хокимининг
2020 йил «31» январь кунги
87-сонли карорига
3-илова

Тумандаги фермер хўжаликлари, корхона, ташкилотларга қарашли автомототранспорт воситалари ва шахсий турдаги йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи, оғир ва хавфли юк ташувчи бир йилда икки марта техник кўрикдан ўтувчи автотранспорт воситаларини иккинчи марта 2020 йил 1 сентябрдан 31 октябргача техник кўрикдан кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

Т/р	Ташкилот ва корхоналар номи	Техник кўрикдан ўтказиш санаси	Жами автомото-транспортлар сони	Изох
1	“Қуббо авто транс” МЧЖ	07.09.2020	25	
2	“Қува тир авто” МЧЖ	08.09.2020	11	
3	“Қува Мусаффо транс” МЧЖ	09.09.2020	25	
4	“Жавохир Омад транс” МЧЖ	10.09.2020	25	
5	Қува КМК МЧЖ	11.09.2020	1	
6	Қишлоқхўжаликкимё	14.09.2020	1	
7	Қува Текстил фабрикаси	15.09.2020	12	
8	Пахтани қайта ишлаш ОАЖ	16.09.2020	3	
9	Қ. Х. Коллежи	17.09.2020	1	
10	МТП АЖ	18.09.2020	2	
11	Компютер коллежи	21.09.2020	1	
12	ЙФУК (ДРСУ)	22.09.2020	1	
13	Агрохимлаборатория	23.09.2020	1	
14	Маданият бўлими	24.09.2020	5	
15	Нефт махсулотлари омбори	25.09.2020	12	
16	Фермер хўжаликлари	28.09.2020	1	